

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 118 (9.921)

2003 ЙИЛ 18 ИЮНЬ

ПРЕЗИДЕНТ ЭРОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 июнь кунини расмий ташриф билан Эрон Ислам Республикасига жўнаб кетди. Техронга жўнаш олдида мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Ислам Каримов, ташрифдан қўзланган мақсадлар ҳусусида тўхталар экан, Эрон ўз минтақасидаги иқтисодий жиҳатдан салоҳиятли мамлакатлар сирасига кириши ва бу давлат билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жуда муҳимлигини таъкидлади.

— Нефть ва газ захиралари бўйича дунёнинг энг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган Эрон сўнгги пайтларда коммуникация соҳасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Масалага шу жиҳатдан ёндашилса, Эрон билан ҳамкорлик биз учун муҳим аҳамият касб этиши янада ойдинлашади.

Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларга келсак, 2002 йили ўзаро савдо-сотик ҳажми 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 1998 йили бу кўрсаткич 4 баробар кам эди. Мазкур ташриф давомида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, икки ўртадаги алоқаларни ривожлантиришда тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф этиш, террорчилик, наркотик моддалар контрабандаси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашишга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтгача икки мамлакат ўртасида 40 дан ортиқ ҳужжат имзоланган.

Ташриф давомида минтақа мамлакатлари ўртасидаги коммуникация тармоқларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Техронда Эрон раҳбарияти билан бирга Афғонистон ўтиш даври ҳукумати раиси Ҳамид Карзай билан ҳам музокара ўтказиш режалаштирилган.

(ЎЗА)



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕХРОН УЧРАШУВЛАРИ

ТЕХРОН. 17 июнь. ЎЗА махсус муҳбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Техронга етиб келди.

Эрон Ислам Республикаси Президентининг «Жумҳурия» қароргоҳидаги расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамда Эрон Ислам Республикаси Президенти Саид Муҳаммад Хотамий ўртасида яқма-яққа учрашув бўлиб ўтди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, коммуникация соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, террорчилик, наркотиклар контрабандаси каби халқро муаммоларга қарши биргаликда курашиш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ҳам Ўзбекистон-Эрон алоқалари

ни янада кенгайтириш борасида сўз борди. Ислам Каримов ва Муҳаммад Хотамий Ўзбекистон ва Эрон Президентлари музокараси якуналари бўйича қўшма баёнотга имзо чекди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, ўзаро савдо имтиёзлари тўғрисидаги ахдлашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Эрон экспортни ривожлантириш банки ўртасида кредит битими имзоланди. 2000 йили имзоланган экстрадиция тўғрисидаги битим бўйича ратификация ёрликлари алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати билан Эрон хавфсизлик вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумга имзо чекилди.

Давлатимиз раҳбарининг Эронга расмий ташрифи давом этмоқда.

XXI сағоси

Барча манбаалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Гибванд моддалар ва жиноятчилик бўйича кураш бошқармаси ўртасида Ўзбекистон прокуратураси органлари компьютер тармоғини такомиллаштиришга қаратилган ҳужжат имзоланди.
- Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳолида «Маънавият курслари» ташкил этилди.
- Қаршидаги «Роғузар» маҳалла фуқаролар йиғини республика экология кўрик-танловида «Энг обод маҳалла» деб эътироф этилди ва «Экосан» халқро жамғармасининг дипломи ва 6 миллион 500 минг сўм миқдорда мукофот пули билан тақдирланди.
- 1,5 миллион доллар қийматга эга лойиҳа Самарқанддаги «Сино» очик турдаги акционерлик жамиятига озон қатлами учун хавфсиз бўлган совуттичлар ишлаб чиқариш имконини беради. Ушбу лойиҳани молиялаштириш эса Глобал экологик жамғарма томонидан амалга оширилди.
- Андижон вилояти пиллакорлари давлатга пилла топшириш шартнома мажбуриятини ошириб адо этидилар. Улар тайёрлов идораларига 2277 тонна сифатли хом ашё сотишга муваффақ бўлдилар.
- Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмаларининг сони яна иккитага кўпайди.

Жаҳонда

- Япониянинг «Нишон Кэйдзай Симбун» газетасининг маълум қилишича, ўзбекистонлик танкили рассом ва сураткаш уста Т.Кўзиёвнинг «Азиз бувижонлар» бадиий сурати ЮНЕСКОнинг суратлар альбомига чоп этилди.
- Фаластиннинг хавфсизлик масалалари бўйича вазир Муҳаммад Доҳлан ва Исроил генерали Амос Гилад ўртасида кечган музокаралар ижобий якуналанди.
- Жаҳонга машҳур Microsoft корпорацияси тез орада Руминиянинг Ге КАД компаниясидан компьютер вируслари технологиясини сотиб олишини ва бу йўналишда узок муддатга мўлжалланган бизнес фаолиятини бошлашини билдирди.
- Гуандун вилоятидаги Цзянху шахтасида 300 метр чуқурликда рўй берган бахтсиз ҳодиса натижасида 14 та хитойлик шахтёрлар ҳаётдан кўз юмган.
- Мексиканинг Монтеррей шаҳрида шахар футбол жамоасининг миллий чемпионатидаги галабасини байрам қилиш чоғида икки киши ҳалок бўлган.

ПОЙТАХТНИНГ

Дир кунли

Янгиликлар, воқеалар

Кўчаларда

□ **БУГУН** Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрида тиббиёт ходимлари кунига бағишланган «Хамшира-2003» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** халқро Вестминстер университетида Республика Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Конрад Аденауэр халқро фонди ҳамкорликларида ўтказилаётган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги иштироки» мавзуида

даги семинар ниҳоясига етди.

□ **ЁШЛАРДА** тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш мавзуидаги семинар-тренинг БУГУН «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгашида ўтказилди.

□ **КЕЧА** Собир Раҳимов туманидаги Туроб Расуллов маҳалла гузарига «Кучли давлатдан кучли жамият сари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ **ТОШКЕНТ** педиатрия-тиббиёт институти клиникасининг кардиохирургия бўлимида юрак бўшлиқларини зондлаш ва кардио-ангиографик лабораторияси фаолият бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

• ТРАНСПОРТ

ЙЎЛОВЧИЛАРГА МАНЗУР

Чет мамлакат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган транспорт воситалари намуналари республикамизга кўплаб олиб келинмоқда. Булар орасида «Татра» трамвай вагонлари, «Шкода» троллейбуслари, «Мерседес-Бенц» автобуслари ҳам бор.

Йўловчиларга манзур бўлаётган бу транспорт воситаларининг бир маромда юриши, соз таъмирланиши, уларга техник хизмат кўрсатишда қўл келадиган эҳтиёт қисмлар ва узелларни етказиб беришда ҳам Чехиядаги «Томос-Прага» ҳиссдорлик жамияти, Германиядаги «Эво Бус Гмбх» фирмаси тadbиркорлик билан иш юритмоқда.

«Тошхажарйўловчигранс» давлат уюшмаси бюртмаси билан Жанубий Кореядаги транспорт корхоналаридан ҳам бир нечта янги автобуслар олинди. «ДЭУ», «Мириш Инженеринг» компаниялари томонидан сифатли ва мустаҳкам қилиб чиқарилган бу автобуслар учун ишлатиладиган зарур эҳтиёт қисмлар ҳам етказиб берилди.

Россидаги транспорт корхоналари билан тузилган шартномалар ҳам яхши самарасини бермоқда. Шу ўринда «Ролл» ҳамда «ТФК» корхоналари билан ҳамкорликни кўрсатиб ўтиш жоиздир. Улар белгиси акс этган трамвай, троллейбус ва автобуслардан бир нечтаси шахримиз йўловчиларига намунали хизмат кўрсата бошлади.

Кўплаб янги техниклар, эҳтиёт қисмларга ҳам эга бўлинди. Бу хил импорт маҳсулотлар учун бу йил ўртача уч миллион доллар миқдорда маблағ ажратилиш кўзда тутилди.

Қўрилаётган бу каби техник тadbирлар чет эл транспорт воситаларига эга бўлиш билан бирга аҳолига замонавий усулда транспорт хизмати кўрсатиш имкониятларини такомиллаштирмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Иқтисодиёт

ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «TALYANA» хусусий фирмасида тайёрланаётган эркалар кийим-кечаклари кўриниши, бичими, сифати, айниқса рақобатбардошлиги билан ички бозоримизда ўз ўрнига эга.

Бунинг асосий сабаби фирма цехлари энг замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, улар энг аввало бозорни, харидор дидини астойдил ўрганишади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулот турлари ўнгага яқинлашиб қолди. Маҳсулот тайёрлашда асосан маҳаллий хом ашё — «Косонсой-текмен» қўшма корхонаси сифатли матоларидан фойдаланилиб, маҳсулотлар дизайни устида эса уста модельерлар ишлашмоқда.

Хозирда эркалар шими, костюм-шимни тикилаётган ушбу корхона тадбиркорларининг изланишлари беҳуда кетмаёпти. Улар яқин келгусида фирмани янада кенгайтириш, шу асосда замонавий дастгоҳлар ёрдамида ички бозорни хорижники билан бемалол рақобатлаша оладиган эркалар ёзги ва киши кўйлаклари ва бўйинбоғлар билан таъминлаш ниятидалар.

«ОНА-НАФИСА» МАҲСУЛОТИ

Ёз фасли бошланиши билан «Она-Нафиса» фирмасида ҳам ишлар қизгин паллага қиради.

Ушбу фирмада бир неча йиллардан буён вакуум-сублимация технологияси асосида қуритилиб, идишларга қадоқланган юртимиз мева ва сабзавотларининг нафақат ички бозорда, балки қўшни давлатларда ҳам харидорлари бор. Бунинг асосий сабаби фирма раҳбари, тадбиркор аёл Нафиса Тошпўлатованинг ғайрат-шижоати ва изланувчанлиги боисдир.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунга келиб «Она-Нафиса» фирмаси маҳсулотлари сони 10 хилдан ҳам ортиб кетди. Қулупнай, малина, ўрик, олхўри, ошқовок, қовун, сабзи ва бошқа мева-сабзавотлардан фойдаланаётган тадбиркорларнинг сифати ва бежирим қадоқланишига алоҳида эътибор билан ёндошадилар.

— Биз яратган технология асосида тайёрланаётган мева ва сабзавотлар 100 фоиз витамин ва минерал ашёларни сақлаб қолиши билан ажралиб туради, — дейди Нафиса Тошпўлатова. — Жорий йилда маҳсулот тайёрлаш жамини 3 баравага оширамиз. 100 минг долларлик маҳсулотимизни эса Россия давлатига экспорт қилишни мўлжаллаямыз. Шунингдек, янги маҳсулот турларини ҳам тайёрлашни кўзда тутганмиз.

САЛҚИН ИЧИМЛИК

Ёзинг иссиқ кунларида салқин ичимликлар жонингизга оро кириб, чанқоғингизни босади.

Ана шунга назарда тутган шахримиздаги «Анат» қўшма корхонаси жамоасида ҳам турли чанқовбосди ичимликлар тайёрлашга эътибор қучайтирилди. Германия, Италия ҳамда Исроил давлатларидан келтирилган замонавий линияларда айна пайтада 10 турдаги ичимликлар чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар турли шаклдаги 0,5 ва 1,5 литрли пластмасса идишларга қадоқланиб, кўриниши билан ҳам харидор эътиборини тортади.

Хозирда корхонада яна бир янги ичимлик тури ишлаб чиқариш учун тайёргарлик ишлари қизгин. Ушбу маҳсулот ёзинг саратониди ҳамшаҳарларимизга тортиқ этилса ажабмас.

Шарофат БАХРОМОВА

• ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Янги номлар

Тошкент шаҳар ҳокимининг топонимик объектлар номини тартибга келтиришга оид қарорига мувофиқ айрим номсиз жойларга қуйидаги номлар берилди, баъзи кўчалар номига ўзгартиришлар киритилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 16 июндаги 347-сонли қарорига

ИЛОВА

Тошкент шаҳридаги баъзи жой номларини тартибга келтириш тўғрисида

Жойнинг ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
Акмал Икромов тумани бўйича:		
«Чўпонота» маҳалласидаги номсиз янги кўча	Асад ИСМАТОВ кўчаси	Асад Исматов (1907-1953), таниқли театр ва кино арбоби, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиби
«Чўпонота» маҳалласидаги номсиз янги кўча	ҚҮЙИ БЎЗСУВ кўчаси	Жойдан ўтадиган канал номи
Тўқимачи тор кўчаси	Турғун КАРИМОВ кўчаси	Турғун Каримов (1916-1969), таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ хофиси
«Мустақиллик» маҳалласидаги номсиз янги кўча	НАВО 6-тор кўчаси	Жойда Наво 1,2,3,4,5 тор * кўчалари бўлганлиги учун
«Мустақиллик» маҳалласидаги номсиз янги кўча	НАВО 7-тор кўчаси	Бир-бирига туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида
Мустақиллик» маҳалласидаги номсиз берк кўча	НУР берк кўчаси	Жойдаги шу номдаги кўчага уйғунлаштириб, кўчанинг боши берк эканлигини акс эттириш мақсадида
Мирзо Улугбек тумани бўйича:		
Якуб Колас кўчаси	Ҳамидулла ОРИПОВ кўчаси	Ҳамидулла Орипов (1940-1998) таниқли кимёгар олим. ЎзФА академиги, Бериуний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби, 1989 йилдан 10 йил давомида Усмилик моддалари кимёси институтига раҳбарлик қилган.
Собир Раҳимов тумани бўйича:		
Хўжалик кўчаси	Ҳикмат ДАМИНОВ кўчаси	Ҳикмат Даминов (1915-1997) «Чимбой» маҳалласига 65 йил раислик қилиб, маҳалла ободончилигига катта ҳисса қўшган.
Сергели тумани бўйича:		
Локомотив кўчасининг Сергели туман қисми ва Мирза Ҳайдар кўчасининг Олтин водий кўчаси муюлишигача бўлган қисми	Содиқжон ТОЛИПОВ кўчаси	Содиқжон Толипов (1936-1996) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими. 1967 йилдан деярли 30 йил давомида «Тошшаҳарнур» корхонасига раҳбарлик қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган. Мирза Ҳайдар кўчасининг ушбу қисмида «Тошшаҳарнур» корхонаси жойлашган.
Ҳамза тумани бўйича:		
Малиновский кўчаси	Ҳалима НОСИРОВА кўчаси	Ҳалима Носирова (1913-2003), ўзбек театр ва кўшиқчилик санъатининг етук намоянчаси. Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотлари соҳибаси
Юнусобод тумани бўйича:		
194-сонли ўқчи дивизия кўчаси	БИНКАТ кўчаси	Тарихий номларни тиклаш мақсадида. Тошкент шаҳрининг X-XI асрдаги номи.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида тегишли ҳокимликлар томонидан 20 кун мuddат ичида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ўзгартирилган ҳақида ички ишлар, тез ёрдам, ўт ўчириш, почта, алоқа, ободонлаштириш хизматлари ва ўзини ўзи бошқариш идораларига хабардор этиш вазифаси юклатилди.

СПОРТ ТОВАРЛАРИ — БОЛАЛАРГА

Чарм-атторлик маҳсулотлари ва спорт товарлари ишлаб чиқарувчи «Орзу» акционерлик жамиятида курашчилар учун спорт кийимини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Акционерлик жамиятининг бош иқтисодчиси Шухрат Ражабов ЎЗА муҳбири билан бўлган суҳбатда шунга таъкидладики, бу ерда турли ўнчамадаги ҳар хил спорт кийимлари тиклмоқда, чунончи, катта ва кичик ёшдаги спортчилар учун, машқлар учун ва турнирларда иштирок этиш учун махсус либослар етказиб бериш масаласи Халқор кураш федерациясининг буюртмасида кўрсатиб ўтилган. Ушбу корхона, шунингдек бошқа спорт бирлашмалари — бокс, футбол, волейбол федерациялари билан яқин алоқалар ўрнатган.

«Орзу» АЖ мутахассислари бугунги кунда спорт ташкилотлари ва муассасалари ҳамда ишлаб чиқариш цикли бўйича ҳамкорлари билан ишбилармонлик муносабатларини йўлга қўйишни жонлантириб юборди. Зеро, Ўзбекистонда спортни, айниқса болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида айтиб ўтиш жоизки, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Хомийлик кенгаши мажлисида республикамиз Президентини Ислоом Каримов болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантириш борасида аниқ вазифаларни белгилаб берди. Шу муносабат билан йиғилиш қатнашчилари мамлакатда спорт кийимлари, жиҳозлари ва чарм оёқ кийимлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш масалаларини ҳам батафсил муҳокама қилишди.

«Орзу»да ҳаммаси бўлиб ўн беш турдаги спорт товарлари — турли хил матлар, бокс

кўлқоплари, лапалар, қоғчалар, қаратэчи ва курашчилар учун химоя воситалари, нимчалар, волейбол ва футбол тўплари, спорт сумкалари, рюкзаклар, палаткалар ва саёҳатчилик учун ухлагга мўлжалланган қоплар ишлаб чиқарилади.

Спорт товарларининг ишланмасини ва ташқи безагини корхонанинг тажрибали уста ходимлари амалга оширган. Улар сифат жиҳатдан халқоран андозаларга тўлиқ мос тушади. Масалан, агар авваллари бокс кўлқоплари ичидан мато билан тикиб чиқилган бўлса, энди у поролон билан алмаштирилди. Футбол тўплари ҳам янада муштакчани ишлаб чиқарила бошланди: армавирлик (Россия) ҳамкорлар юқори сифатли резина камераларини етказиб бермоқда. Тўпнинг нархи ҳам меъёрида — 5 минг сўм. Болалар ва ўсмирлар жамоалари, ҳаваскор жамоалар, спорт тўғрақлари учун бундай товарларни сотиб олишда муаммо туғилмайди. Тўғридан-тўғри корхонага мурожаат қилиш қийин. Дарвоқе, яқин кунларда таъмирдан сўнг унинг фирма дўкони очилади. Корхона бир йилда 25 мингтагача футбол тўплари ишлаб чиқаради.

Бу соҳада муаммолар ҳам бор. Ҳамма гап шундаки, ички бозор арзон чет эл маҳсулотлари, жумладан спорт товарлари билан тўлиб кетган. Футбол тўплари ҳам бундан мустасно эмас. Тўплари асосан Малайзия, Покистон, Хитой, Сингапурдан келтиришмоқда. Одатда, улар арзон, сунъий чармдан ишланган бўлиб, демак, сифати ҳам юқори эмас. Улар узоққа чидамайди. Ваҳоланки,

бу мамлакатларда сифати юқори бўлган, муштакчани, қиммат тўплар ҳам бор. Боз устига ҳамма ерда тўплар қўл меҳнати билан тикилади ва бу иш юқори малака талаб қилади.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда, бизнинг тўпларимиз чет элникидан ҳеч қолишмайди. «Орзу» акционерлик жамиятида юқори малакали мутахассислар меҳнат қилади. Аммо уларнинг ўз муаммолари ҳам бор — хомашё ва материаллар етишмайди, чунки уларнинг деярли барчаси четдан келтирилади. Айна пайтада армавирликлар билан алоқа ўрнатилганининг ўзи катта ютуқ. Бошқа кўпгина ишлаб чиқариш масалалари ҳам аста-секин ҳал қилинмоқда. Корхонанинг спорт федерациялари ҳамда бошқа идоралар билан ишбилармонлик муносабатларини ўрнатиши бежиз эмас. Ахир улар — спорт товарлари ва жиҳозларнинг асосий буюртмачиларидир. Уйлаймики, республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳам манфаатларимиз мос тушади.

«Орзу» акционерлик жамияти цехларида йил бошидан буён деярли 15 миллион сўмлик спорт товарлари, 100 миллион сўмдан орттиқ ҳажмда чарм-атторлик маҳсулотли тайёрланди. Умид қиламики, эндиликда болалар спорт жамиятлари, мактаблар ва ташкилотлар ҳам юқори сифати билан ва асосийси — арзон нархлари билан ажралиб турадиган маҳаллий спорт товарларига ўз эътиборларини қаратади. Улғурчи савдо ташкилотлари, хусусий фирмалар АЖ товарларини катта туркумларда сотиб олиб, қачана савдо нуқталарида тарқатмоқда. Анчагина товарлар кўргазмаларда ҳам намойиш этилмоқда, у ерда корхона республиканинг бошқа ҳудудларига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузмоқда.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА муҳбири.

**ЯХШИЛИК ВА ОДОБ
ШУҒРИСИДА**

Одамларнинг яхшиси — одамларга манфаатлироғидир.
(427-ҳадис)

Устозга ўргатмаслар, эслатурлар,
Шогирдлар ўз одобин безатурлар.

Кимки юрса хунар ўрганиб,
Юрмагай ул асло ўртаниб.
Ердан озук олган-чун илдишлар,
Ишлай берар хоҳ кеча-ю кундушлар.

Сўзим бор иймонли инсонга,
Ўрганма текинга-эксонга.
Инсоннинг бўлармиш ўн гули,
Очилмай колмасин сўн гули.

Меҳр ажиб сеҳрли булоқ,
Баҳр олур кўз, юрак, қулоқ.
Или ила келган мол-дунё,
Билак кучидан келгандан аъло.

Кўпроқ кезганлар,
Дилдан сезганлар.
Кай кўнглдан кайга бор,
Уни тарқаттай ғубор.

Билиб кўйинг, айш-у ишрат,
Олмасинлар ундан ибрат.
Баъзилар берилгай зийнатга,
Яхшилар-чи, фазилатга.

Бошлар узра бўлармиш нур —
Уни дермишлар шуур.
Хавасини келтирар шамош,
Мен ҳам кезсам эркин, бемалол.

Ота-она чирогини ёқадур,
У албатта элига ҳам ёқадур.
Юрганингда ҳамроҳ ила,
Доим яхши ният тила.

Топилмаса малҳам,
Малҳам эрур сўз ҳам.
Хунукни ҳам сув
Киладур сулув.

Емон ўйни улоқтир,
Яхши хаёл булоқдир.
Айтилмаган жойга бориш,
Ўз-ўзини ерга қориш.

Тортишадур икки доно,
Атрофга нур сочар маъно.
Сўрасалар «яхшиман» деб айт,
Дардинг эса тарқалар шу пайт.

Қараб юргил юзинг — ақсинга,
Айниқсанги ўзинг нафсинга.
Яхшиларга эзгулини кўргил раво,
Ўзингга ҳам қайтиб келар бу доимо.

Яхшилардан ўрганиш,
Қилсин сенда ўзгариш.
Қулоқ солгин дуога,
Етарсан мудоага.

Билим асли хазинадир,
Идрок элтувчи зинадир.
Ота гоҳо фарзандини опучлайди,
Йиқитманг деб она

юрак ховучлайди.
Бир яхши одам юрадир маънос,
Хафа қилганми бир нодон,
афсус.

Билимига кўшилса одоб,
Чарақлайди кўнглдан офтоб.
Ўрганишда фаҳм-у укув
Энг биринчи кераги шу.

Қилар ишинг бўлса эзгу,
Эл бўладур унга кўзгу.
Донодан ўрганурлар,
Нодондан ўртанурлар.

Ўз айбингга зинҳор-базинҳор,
Бошқаларни қилма гуноҳдор.
Устозларинг очиб кўйган йўл,
Содиқ бўлсанг келаверар қўл.

Илмдан бойлик йиғсанг агарда,
Юрмагайсан хавф-у хатарда.
Инсонга берилган кўп ҳуқуқ,
Сўзлашгасам бетуруқ.

Гапирмагил меҳмоннинг еганини,
Билиб кўйгил бу оғир гап эканини.
Ғунча очилиб гул кўринур,
Аслида-чи кўнгл кўринур.

Фазилат бор талайгина яхшида,
Хатто дўстга жон этгулик бахшида.

Кексани юргани букилиб,
Элига таъзим баҳо қилиб.
Кексалардан баъзи ёшлар кулдилар,
Улар ҳам кексайиб кулгу бўлдилар.

Кўнглининг ёзилгани,
Барчада бўлса қани.
Узатган чоғинг, инъом,
Кўрсат эъзоз-эҳтиром.

Гул гулшаннинг ичиди
Қўринар ғўзал жуда.
Яхшиликнинг вақти тотли,
Асалнинг-чи, нақти тотли.

Яхшига етволиш,
Ўзини кўлга олиш.

Кайси нарса ул янги,
Айтиб турадир ранги.
Қилмаганинг қаршилик,
Ўз ўрнида яхшилик.

Кимдир обрў-орини сақлар,
Кимдир дунё — борини сақлар.
Тиланчи қилар дуо,
Садақанг бўлар даво.

Ўғил-қизнинг эпчиллари-югургани,
Отасига, онасига буюргани.
Ишинг бўлса тadbирли,
Этгай сени қадрли.

Яхши сарфласанг меҳрингни,
Яйратган бўласан бағрингни.
Сухбати ширин бўл,
Хаттоки очилар гул.

Умидворлик ҳам сифат,
Ва дид борлик ҳам сифат.
Яхши йўлга йўллаганинг
Бир умрга қўллаганинг.

Тонгда ҳовли супуриш,
Ҳарён атир уфуриш.
Гулни сотдилар пулга,
Гул-чи, айланди кулга...

Билимин бор деб мақтанма яланг,
Яхшиси аввал ўзинг фойдалан.
Ёқламангиз назари пастини,
Хижолатга кўяди асти.

Билим сеҳрий дарахтдир,
Меvasи доим тахтдир.
Хар миллатнинг бўлар экан даҳоси,
Ўз вақтида берилмас гоҳ бaxоси...

Кўп кўрганлар гапини —
Кўплар кўрган нафини.
Етганлар кексаликка,
Чиққандай юксаликка.

Юз ойнадир, юрадилар ювиб — артиб,
Кўп кўрганлар гапини —
Кўплар кўрган нафини.
Етганлар кексаликка,
Чиққандай юксаликка.

Юз ойнадир, юрадилар ювиб — артиб,

Яхшини ҳадеб, десангиз ёмон,
Ўтиб кетадур ул ёмон томон.
Биттадир таним,
Аммо кўп ганим.

Кимдир кимни севинг билан мақтайдир,
Аллакимлар илинж билан мақтайдир.

Сахий эрур бағри кенг осмон
Кўёш кезар шу сабаб осон.

**ҚАБИҲЛИК,
ЧАҚИМЧИЛИК
ШУҒРИСИДА**

«Одамлар орасини бузадиган
чақимчиликдан сақланганлар».
(309-ҳадис)

Одамлар-чи, нега ундан кулишадир?

Умр ўтмасин зорланиб,
Ва шунингдек хорланиб...
Еса ҳам хатто қамчи
Тузалмайди алдамчи.

Душманнинг бўлар кучли, кучсизи,
Ва локин бўлмайди ўчсизи.
Ёнган нарса берар ёруғлик,
Ёмонидир дилда ўт йўқлик.

Ношукрлар ўз ҳолидан —
Нолигани нолиган.
Кимда бўлса кимнинг ўчи,
Ўчиришга етмас кўпнинг кучи.

Кимки ёлғон гапга оғадур,
Аслида-чи чапга оғадур.
Шайтон доим йўлда турар,
Чалғигани йўлдан урар.

• ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

Пўлат Мўмин,
Ўзбекистон халқ шоири

**ЮРАК ЗАВҚ-У ДАРДЛАРИМ
АЙТАР БАЙТ-У ФАРДЛАРИМ**

Ўзсизларга керакмикан ушбу тартиб?
Кексайганда бўлсанг керак,
Зотинг тоза экан, демак.

ДУСТИЛИК ҲАҚИДА
«Киши дўстининг динида бўлади»
(463-ҳадис)

Ганим олдида койима дўстинг,
Ҳисобланар бу энг кам-у кўстинг.
Дўстинг тегса дўстга

Миннатдорчилик чин қойдаси.
Йўлда дўстанд ошмай юргил,
Ва ҳаддингдан ошмай юргил.
Дўстинг сени дўстингга

қачибдур,
Демак ул-чи, дўстликдан чикибдур.

Дўстинг келса сени йўқлаб,
Меҳрингни соч кўнглин тўқлаб.

Дўстлар дўстга узатадур қўл,
Кўнглиларга тушган бўлса йўл.
Дўстинг яхшилигин қайтаролмадинг,
Фарзандига қайтар келса омадинг.

Баъзи бир дўстинг қилгани хато,
Бошқаларига дарс бўлсин хатто.

Пок одам юзидан тараладур нур,
Сухбати чоғида қиласан хузур.
Ўзинг билан бўлсин кўнглинг,
Тезда ишга борар қўлинг.

Ўйнаган-ла ўйна, кулган билан кул,
Ҳар кимнинг энг улуг фазилати бул.
Кулгу кўнса лаб ила кўзга,
Роҳат керак эмасдур ўзга.

Кекса-ю гўдакни сийлаган ватан,
Тараққий этадур ул ҳақиқатан.
Майл сенга бўлмасин тобиг,
Энг яхшиси бўлсин у содик.

Қай дўстини босса гурур,
Дўстлар орқага сурур.
Дўст сафиди кулмаган одам,
У жудаём бўлмаган одам.

Ҳар кимсанинг турфа эрур хоҳиши,
Ул одаммас ёқмаса қуш хониши.

Айтиб кўйгил шуни болангга:
Интильмасин бойлик, баландга!

Бир-бирини гажигудай икки одам,
Сухбатида билинтирмас иккови ҳам.

Билгил, ёнинг ичкисини,
Чикормайди ҳеч исини.
Отасини чўктирадур ёмон фарзанд,

Яхшилари қаддин этар яна баланд.
Ўтаверар олтиндай вақт,
Парво қилмас унга лоқайд.

Яхшиларнинг йўлин тўсиш,
Тўхтагани ундаги ўсиш.
Бўлса агар кимки беписанд,
Ҳеч зог ундан бўлмаган хурсанд.

Бир кексанинг кўнглини оғритди бир ёш,
Бошини ёрсин лаънат деган тош.

Халқумидан ўтказган ҳаром,
Ололмагай ҳеч ерда ором.
Ишинг тушса лоқайдга
Бормай қўя қол қайта.

Жуда кўпдир кўзи очофат,
Нега келмас аларга офат?
Учаб турар баъзан нокаста,
Нокастанинг феълидир хаста.

Ҳаромхўр билан еганинг луқма,
Билиб кўй, асло тананга юқмас...

Яхшилар-чи тиришиб, узиб оладур,
Ёмонлар эрса узиб оладур.
Ноҳақнинг ёнига тушган,
Унақадин яхшидир душман.

Кимнингки оғиз шалоқ,
Еверсин шапалоқ.
Учраса гар ўзга учун коймаган,
Ул йироқдир инсонийлик қондадан.

Айтинг тилиндан —
Озми илинган?
Қилавермай ҳадеб нолиш,
Ҳаққинг учун кураш, олиш.

Сувнинг бузганини тузатиш осон,
Тузалмагай буза инсонни инсон.
Ҳеч кимга ва ҳеч кимсалар ҳақида
Гапирмаслик яхшиларда ақида.

Инсон ўзин сураётган роҳатини —
Кўрганмисиз тенг бўлишган соатини?

**МАРДЛИК ВА
ЮКЛИК ҲАҚИДА**

Оллоҳ ўзи кечиргувчи зот кечирув-
чини яхши кўради.
(191-ҳадис)

Оддий ва пок яшамоқ,
Ўзига бахт ясамоқ.
Сўзларингдан тўмса бол,
Яшагайсан бемалол.

Отасидан кимдир мол-мулк оладир,
Мард эса одоб-у хулқ оладир.
Унутилар суюниб яшаган,
Эсда қолар куюниб яшаган.

Сендан сўрамай ўтиб кетар вақт,
Орасида ўтиб кетар бахт.
Инсоннинг биринчи сифати:
Аслида соғлиги — сифати.

Устоз илмин шогирдига уласа,
Чиқар дерлар жуда яхши хулоса.
Йиқилганини тегиб ўтарлар,
Фақат мардлар уни кўтарар.

Чавандоз ишонар отига,
Кўш эса қанотига.
Чиқар эмиш кимда бўлса
кўп бардош,
Билиб кўйинг, бардош эмасдир тош.

Обрў тоғпил эл ичра фақат,
Қилмасинлар кўрққандан ҳурмат.
Ниҳол уни пишса меvasи,
Энг биринчи тотса эғаси.

Ҳаммада ҳам бор ўзича ташвиш,
Керакмасдир ҳар томон ташиш.
Ақл билан илган,
Ҳисобланар билган.

Оёқ юришга, тегишга эмас,
Бўйин—чи бошини эгишга эмас,
Юракдаги гурур
Бир умр турур.

Жонингни бироз қийна,
Чиниқар тан-у сийна.
Кимдаки бўлса журъат,
Унга кўшилсин суръат.

Яхшиликка эта олган ўзгани жалб,
Ундайлар-чи, зоти улуг, покиза қалб.
Майли амалпараст сўзини
тингла,
Аммо доно сўзин мағзини
англа.

Бир одам жонини роса койитди,
Ўша койитган уни бойитди.
Ким бўлса мард
Гапин айтар шарт.

Тан сихатли
Олий сифатли,
Қайдасан деб ҳақиқат,
Қидирган кўп ҳамма вақт.

Ўз гардингни ўзинг юр артиб,
Яхшилардан юқар бу тартиб.
Асл донишманд
Бир бор ейди панд.

Коринг битирганга десанг-чи раҳмат,
Кейинги ишинга бўлиб турар тахт.
Сув узатгил учраса ташна,
Ичишига қараб минг яшна.

Устоз ила қилсанг мулоқот,
Доим бўлсин сабр ила тоқат.
Ёв олдида сўзда тутилма,
Бўшашмагил ҳамда утилма.

Аҳил бўлса ҳалойиқ,
Талай ишларга лойиқ.
Бўлсанг мард-у азамат,
Қилмагилар мазамат.

Умид-орзу кетидан кетасан,
Ўзингга боғлиқ, қачон етасан.
Ўтирмагил қовуштириб қўл,
Аслида бу энг ярамас йўл.

Жонингни койитиб тур,
Ақлингни бойитиб тур.
Хўнар ила бўлсанг машғул,
Бўлажаксан бир кун машғур.

Қалбдаги ўч ўчмайди,
Ўзга дилга кўчмайди.
Оғир қарвон бўлар ҳар
кайси буюқ,
Уларда кўпдир доноликдан юк.

Инсондаги маънавий бойлик,
Биринчиси хотамтойлик.
Завқ берадир аҳиллик,
Куч берадир дадиллик.

Курашмасдан четга чиқиш,
Гўё ўзин ўзи йиқиш.
Ҳар бир ишининг олган ҳаддин,
Эл олдида букмас қаддин.

Тўкиб юрган салобат,
Ҳисоблангай салобат.

• БАНДЛИК

Шаҳримиздаги барча туман меҳнат бўлимининг асосий вазифалари банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар, кўп болали аёллар, ўқув муассасаларини битирган ёшлар, ҳарбий хизматдан қайтган, жазо муддатини ўтаган фуқаролар, мактаб ва олий ўқув юрталари битирувчиларини иш билан таъминлашдан иборат.



МУШТАРАК МАҚСАДЛАР


Сергели тумани Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунини амалга ошира бориб, Меҳнат кодекси, «Меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ва Тошкент шаҳар ҳокими Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан берилган йўналишлар бўйича амалга оширмоқда.

Туманда 154,9 минг аҳоли истиқомат қилади, улардан 90,2 минг киши ишга лаёқатли, яроқли ёшда бўлиб, шулардан банд бўлмаган фуқаролар сони 3972 нафарни ташкил этади.

— Ўтган 2002 йилга нисбатан ҳозирги кунгача меҳнат бўлиминизга мурожаат этиб иш сўраган ва маслаҳат олганлар сони кўпайган, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Умар Султонов. — Уларни баҳоли қудрат ўз малакалари ва касб-хунарларига мос ишларга жойлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида меҳнат бўлимининг ишга жойлаштириш шўъбаси мудири Ф. Абдусаматова, бош мутахассис Л. Сирцова, ижтимоий кўлаб-қувватлаш бўлими мутахассислари М. Юнусова, М. Ирисметова ҳамда меҳнат ҳуқуқи нозир К. Набиева каби ўз ишининг жонқурлари, малакали, ишчан ходимлар яхши натижаларга эришмоқдалар. Чунончи, «Ёрқин ҳаёт», Жомий, Собир Раҳимов маҳаллаларида оқсоқоллар, фаоллар, маҳалла посбонлари ёрдамида иш билан банд бўлмаган аҳоли, айниқса ёшларни ишга жойлаштириш, қисқа муддатли касбга ўқитиш, хунар ўрганишга йўналтириш, «Усто-шогирд» йўналишларига жалб этиш ҳамда меҳнат бўлимининг барча мавжуд имконият ва иш йўналишлари ҳақида тушутириш берувчи учрашув ва тadbирлар ўтказилди.

Туман меҳнат бўлимининг «Аҳолини ишга жойлаштириш ва касбга ўқитиш» шўъбаси томонидан 5 ой давомида 774 нафар фуқаро рўйхатга олин-



ган. Шулардан 659 нафари ишга жойлаштирилди. Тошкент шаҳар ҳокими Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига ишсиз деб эътироф этилган 126 нафар фуқаролар ўқитиш ва қайта ўқитиш учун юборилди. Амнистия туфайли озодликка чиққан 35 нафар фуқаро ҳам ишга жойлаштирилган.

Йил бошидан буён (май ойига) қадар кам таъминланган 374 та оилаларга 3410,9 минг сўм, 763 та оилга 12329,1 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 18 ёшгача бўлган болаларга тўланадиган нафақа 2014 та оилаларга тайинланди ҳамда 5 ой давомида 40375,9 минг сўм миқдорида тўланди. 2 ёшгача боласи бўлган оналарга (1001 нафар) тўланаётган нафақа миқдори 41486,9 минг сўмни ташкил этади.

Этиборли томони, меҳнат бўлими томонидан йил бошидан буён маҳаллалар аҳолиси билан 35 мартаба учрашувлар ўтказилди.

Туманда фаолият юритаётган 166 та ташкилот ва корхоналар туман меҳнат бўлимларига бўш иш жойлари ҳақида маълумот бердилар.

Янги иш жойлари яратиш бўйича жорий йилнинг май ойида туманда 15 та янги корхоналар очилди ва уларда 229 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, ойлик маошни ўз вақтида тўламаётган корхона ва ташкилотлар билан бандлик хизмати ходимлари мунтазам иш олиб бормоқдалар.

Амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги камчиликлар, уларни бартараф қилиш ва янада такомиллаштириш масалалари ҳар ҳафтада туман меҳнат бўлими раҳбарлари, ходимлари иштирокида чуқур таҳлил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланади. Уларнинг тўла бажарилишини таъминлаш меҳнат бўлимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: туман меҳнат бўлими фаолиятини лавҳалар.

Ҳажимжон Солихов олган суратлар.



• ЯРМАРКАЛАР

АҲОЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Пойтахтимиздаги Шайхонтоҳур туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими кунчи кеча Обод маҳалла йили муносабати билан маҳаллалардаги вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган ёшларни ишга жойлаштириш, фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида тумандаги Хадра майдонида «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркасини ўтказди.

Мазкур ярмарка туман ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ҳамда меҳнат бўлими ҳамкорлигида ўтказилди. Унда тумандаги 48 та маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раисла-

ри ва албатта, меҳнат бўлимининг маҳаллаларга бириктирилган инспекторлари фаол иштирок этдилар.

Ўтказилган меҳнат ярмаркасига жорий йилда олий ва ўрта махсус ўқув юрталарини битираётган ёшлар ҳамда

мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари тақлиф этилди. Уларга имтиҳонларни топшириб, ўқув даргоҳларини тугатганларидан кейин ишга жойлаштириш ҳусусида кимга, қаерга мурожаат қилишлари, меҳнат бўлимининг

имконият ва қаролатлари ҳақида тегишли маслаҳатлар берилди. Энг муҳими, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида қайси корхона ва ташкилотларда ишлашлари мумкинлиги ҳақида батафсил мулоқот ўтказилди

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

ЎҚУВ МАРКАЗИНИНГ ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТИ

Пойтахтимизда фаолият юритаётган ўқув марказлари сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Уларнинг асосий мақсади йигит-қизларимизни нисбатан қисқа муддатларда ўзларини қизиқтирган замонавий касб-хунарларга ўргатиш. Ёшларимизга бу борада «Ораста бегойим» ўқув марказида ҳам етарли имконият ва қўлай шарт-шароитлар яратилган.

Мазкур марказ жорий йилнинг февраль ойида иш бошлаганди. Бугунги кунга келиб бу ерда 16 турдаги замонавий касб-хунарга ўқитилади. Машгулотларни олий тоифали мутахассислар амалиёт билан қўшиб олиб борадилар ҳамда сифатли ўқитиш кафолатланади.

Ўқиш 10 кишилик гуруҳларда 2, 3 ва 4 ойлик қилиб белгиланган. 2 ойлик гуруҳларда қизларни турмушга тайёрлаш, ҳар хил торт,

салатларга ўргатиш, миллий, уйғур таомлари ҳамда уй электр жиҳазларини таъмирлаш касбларига ўқитилади. Шунингдек, телерадио ва видео техникани таъмирлаш йигитларимизни қизиқтираётган касблардан саналади. Ўшбу гуруҳ ёшлар билан тўлиқ бўлади.

Хотин-қизларнинг истаклари инобатга олиниб ташкил этилган 3 ойлик гуруҳларда замонавий усулда «Элита» парда, чойшаб ва ёстиқлар тиқиш; уй безатиш, уқалаш, космето-

логиядан сабоқ берилади. Жумладан, жуда кўпчилик ёшларга мўлжалланган бухгалтерия хисоби, инглиз тили (бошловчи ва давом эттирувчилар учун) ҳамда рус тилини ўргатувчи ҳамда логопедлик касби гуруҳларида ҳам таълим режа асосида олиб берилмоқда.

Ўқув марказидаги барча жараёнлар мутахассислардан тadbиркорлик, билим, кунт ва омилкорликни талаб қилади. Шу сабабдан бўлса керак, 6 нафар олий тоифали, ўз кас-

бини севувчи, ёшларни эъозловчи ўқитувчилар бутун касб-маҳоратларини намоён қилиб дарс ва амалиётларни биргаликда олиб боришга эришмоқдалар.

«Ораста бегойим» ўқув маркази томонидан тақлиф этилаётган 4 ойлик гуруҳларда тикиш-бичиш (ноанъанавий усулда, осон йўл билан), акушерлик (амалиёт билан) ҳамда сартарошлик касбига амалиёт салонда комплекс тарзда ўргатилиши билан эътиборлидир.

Ўшбу марказда бошқалардан фарқи ўлароқ гуруҳларда таълим кундуз ҳамда кечки вақтларда олиб борилади, бу албатта, таҳсинга лойиқ. Чунки бу ёшларимизга, уларнинг ўқийётган ёки ишлаётган бўлишларидан катъи назар қўшимча касб-хунар эгаллашларига ёрдам беради. Худди шу сабабдан ҳам йи-

гит-қизларимиз биргина касб билан чегараланмай, бир нечта йўналишдаги гуруҳларда таҳсил олмақдалар. Шуниси алоҳида эътиборга лойиқки, марказда замонавий хорижий тикиш-бичиш, машина дастгоҳлари, тил ўргатувчиларга эса видео-аудио материаллардан фойдаланган ҳолда ҳамда қатъий белгиланган дастур асосида таълим берилмоқда.

Акмал Икромов туман ҳокимлиги билан ўқув маркази яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳокимлик тавсиясига кўра, туман маҳаллаларида истиқомат қилувчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзолари, фарзандлари ҳар ойда имтиёзли ўқийётган ёки ишлаётган бўлишларидан катъи диплом ва гувоҳномалар берилади.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА

ИШГА АМАРҲАМАТ!

• Кўнгилдаги гаплар ЁЗГИ ТАЪТИЛ БЕҲУДА ЎТМАЙДИ

Ҳадемай талаба ёшлар ёзги сессиядан қутулиб, бўш вақтларида бирор бир фойдали иш билан шуғулланиш мақсадида меҳнат бозорини тўлдирдилар. Уларни асосан олий ўқув юрталари талабалари ҳамда касб-хунар коллежларининг ўқувчилари ташкил этади. Замонавий ёшларимизнинг дунёқараши албатта, турлича. Улардан кўпчилиги пул топишни асосий мақсад қилмасда, ўзларининг нималарга қодирлиги, яъни қўлларидан бирон иш келиш-келмаслиги қизиқтиради.

Шу мақсадда биз турли олий ўқув юрталарида таҳсил олаётган талаба-ёшлар билан мулоқотда бўлдик:

— **Даврон Раҳматуллаев, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг 4-босқич талабаси:**

— Ёзги мавсумда икки йилдан буён амамикга шогирд тушган ҳолда хусусий қажвахонада меҳнат қиламан. Ош дамлашни, ажабсанда, чўзма лағмон каби таомларни тайёрлашни ўрганиб олдим. Бундан ташқари, овқат ташувчилик ҳам қиламан. Аввал жуда тортинчоқ эдим. Кўпчилик ичида ўзимни тутишни ҳам анча ўргандим. «Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз» деганларидек, ўрганганларим ҳаётимда асқотса-ажаб эмас.

— **Дурдона Шайхова, Боровский номидаги тиббиёт билим юрти ўқувчиси:**

— Ҳамширалик иши мутахассислигимдан сабоқ олмақдаман. Амалиёт ўтаётганда шифохонада ишлаш менга жуда маъқул келди. Шунинг учун ёзги мавсумда шу ерда меҳнат қилмоқдаман. Шифохона жамоаси менга ёқиб қолди. Амалиёт мустаҳкам бўлса, ишда осон бўлади, деб ўйлайман.



ЗАРАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

Корхонада ишлаш давомида соғлиғим ёмонлашди ва II гуруҳ ногиронлигига чиқдим. Бу шароитда, яъни касб касаллиги ногирони бўлганим учун менга тоvon пули ҳамда ўртача иш ҳақидан 80 фоиз ҳисобда (врачлар ҳулосаси асосида) нафақа тайинланиши керакми?

Мансур Курбонов, Акмал Икромов тумани.

Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жараҳатланиши, касб касалликларида чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи то-

монидан тўлаш билан боғлиқ сабатлар Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жараҳатланиши, касб касалликларида чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари» билан тартибга солинади.

Касб касаллигига чалинганда меҳнатга лаёқатсизлик даражаси Тиббиёт меҳнат экспертиза комиссияси томонидан белгиланади. Зарарни ундириш тўғрисидаги ариза олинган меҳнат жараҳати (касб касаллиги) туфайли қўрилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи (корхона маъмурияти)га берилади.

Иш берувчи зарарни ундириш тўғрисидаги аризани ўн кун муддатда қўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт. Қарор корхона маъмуриятининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Иш берувчининг зарарни тўлаш тўғрисидаги буйруғининг нусхаси ёки асосланган

ҳамда ишлашни хоҳловчиларга йўлланмалар берилди.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, тadbирда иштирок этган 15 га яқин корхона ва ташкилотларнинг вакиллари ўзларидан бўш иш ўринлари ҳақидаги кўрғазма ва стендлари билан қатнашдилар. Уша кун корхона ва ташкилотларда 500 дан ортиқ бўш иш ўринлари, (шундан 270 нафари мутахассис ходимлар учун, 230 нафари эса ишчи касбидидаги фуқаролар учун) тавсия этилди. «Малика» очик турдаги акциядорлик жамияти, 159-трестнинг 8, 21, 53, 70-қурилиш-таъмирлаш қўшма корхоналари, туман халқ таълим бўлими, туман худудий

тиббиёт бўлими, «Шарқ гули» акциядорлик жамияти каби корхоналар айниқса тadbирда фаол иштирок этишди.

Меҳнат ярмаркасида жами банд бўлмаган 232 нафар фуқаролар қатнашди, улардан 37 нафарига ишга йўлланмалар берилди. Жумладан, 14 нафар фуқаролар Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига қайта ўқитиш учун йўлланмалар билан таъминландилар.

• ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

Ёшларимизнинг jismonan бақувват, ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишларига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада айниқса ўрта махсус касб-хунар коллежлари фаолиятини замон талаблари асосида йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Қувонарли томони шундаки, ҳозир шаҳримиздаги қайси касб-хунар коллежига борманг, уларнинг замонавий ўқув ускуналари — компьютер ҳамда техник жиҳозлар билан қуролланган бўлиб, йигит-қизларнинг турли мутахассислик асосларини ўзлаштиришларида муҳим омил бўлаётганини кўрасиз.

Касб-хунар эгалари бўлишади

— Ўқувчиларимиз етти йўналиш бўйича мутахассисликларини ўрганадилар, — дейди Мирзо Улуғбек туманида

Венера Абдуразоқовалар лицей фахрлидир. — Ёшлар тарбияси ҳақида гап кетганда, асосий эътибор маънавият ва маърифатга қаратилишини жуда тўғри деб ҳисоблайман, — суҳбатга қўшилди



жойлашган Янги технологиялар бўйича республика касб-хунар лицейи директори Алиакбар Азимов. — Ўқув юртимиз автомашиналар таъмирлаш, пайвандалаш ишлари, ёғоч ҳамда металл қайта ишлаш, умумий оқатланиш тармоғи кичик технологи, тикувчилик ишлаб чиқариши усталари, шунингдек, бухгалтерларни тайёрлайди. Жумладан, лицейимизда ўқувчиларга янги услубиёт асосида давлат тили, инглиз тили, физика, математика, Ўзбекистон тарихи фанлари малакали ўқитувчиларимиз томонидан ўқитилади.

Тикувчилик сирсинаотларини эгаллашда лицей қизларига — Германияда ишлаб чиқарилган замонавий «Пфафф Зингер» тикувчилик машиналари асқотмоқда. Амалиётни ўташда лицейга «Юлдуз» очик турдаги акционерлик жамияти яқиндан ёрдам беради. Ҳозирги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тикувчилик мутахассислигини такомиллаштириш режалаштирилмоқда.

Мазкур лицей худудда кизикувчилар учун кўплаб турдаги тўғараклар фаолият юритмоқда. Бундан ташқари лицей ўқувчилари бўш вақтларида турли спорт секцияларига қатнаб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Айниқса, ўтган йилги ютуқлар самарали бўлди. Шаҳар миқёсида спортнинг 10 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда ушбу лицей умумжамоа ҳисобида 1-ўринга сазовор бўлди. Даяудо бўйича олимпия ўйинларининг кумуш медал совиндорлари Армен Багдасаров ҳамда Жанубий Корейда ўтказилган Осиё ўйинлари совриндори, таэквандо бўйича 2000 йилги республика чемпиони

эътибор маънавият ва маърифатга қаратилишини жуда тўғри деб ҳисоблайман, — суҳбатга қўшилди. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Манрат Саидова. — Бу борада лицейимиз ўқувчилари ўртасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, кекса, нафақадаги педагог-ўқитувчилар билан ўқувчилар орасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилганки, йигит-қизларимиз уларнинг уйларига ташриф буюриб, керакли ёрдамни кўрсатадилар ҳамда кекса авлод вакилларида ўғит, панднасихатлар эшитиб, фойдали мулоқотлар ўтказадилар.

Эътиборли томони шундаки туман меҳнат бўлими билан лицей ўртасида тузилган шартномага кўра лицей битирувчилари корхона, ташкилотларга ишга жойлаштириладилар. Кўпгина битирувчилар ўқишни олий ўқув юрталарида давом эттирмоқдалар. Бу албатта, педагог-ўқитувчиларнинг касб маҳоратлари, малака ҳамда ўз ишларига садоқатларидан ёрқин

далолатдир.

Шанноза ЗОКИРОВА
СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга) лицей директори Алиакбар Азимов Маънавият ва маърифат соҳаси мутасаддиси Манрат Саидова ҳамда касба уюшма раиси Таси Нажабовлар билан суҳбатлашмоқда; тикувчилик устaxonасида ишлаб чиқариш бўйича уста Дилором Даминова қизларга тикувчилик сирларидан сабоқ бермоқда; темирчилик устaxonасидаги машгулотдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

«Тошкент оқшоми»

**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва
ишлаткорлик – ҳаёт мезони****(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар ҳазасидан 180 саволга 180 жавоб)****(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)****Азиз китобхон, ёдингда бўлсинки, мамлакатимизда:**

- ◆ Хар ким турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Турар жой кўчмас мулк ҳисобланади
- ◆ Турар жой уйлар, кўп квартиралли уйлардаги квартиралар, бошқа иморатлардаги яшаш учун мўлжалланган хоналар ва ўзга турар жойлардан иборат бўлади
- ◆ Уй (квартира) мулкдорининг оила аъзолари ва у билан доимий яшаётган фуқаролар уйдаги (квартирадаги) хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақли
- ◆ Турар жой мулкдорининг оила аъзолари деб у билан доимий бирга яшаётган хотини (эри) ва уларнинг фарзандларини олинади. Эр-хотиннинг ота-онаси, шунингдек уй эгаси билан доимий яшаётган оилали фарзандлари, агар илгари бу оила аъзоси деган ҳуқуққа эга бўлмаган бўлсалар, фақат ўзаро келишувга биноан мулкдорнинг оила аъзоси деб эътироф этилиши мумкин
- ◆ Мулкдорнинг вояга етмаган оила аъзолари яшаётган турар жойни, уларнинг ота-онаси бўлмаса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги билангина бошқа шахсга ўтказиш мумкин
- ◆ Хусусийлаштирилган квартира ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳада қилишда ёхуд ижарага, арендага беришда квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ҳамда квартира ёки уйнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг розилиги олинishi керак.
- ◆ Турар жойга кўчириб киритишда ҳар бир кишига мўлжалланган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси амалдаги норматив ҳужжатларга биноан ўн олти (кресло-аравада ҳаракатланадиган ногирон киши ҳисобига йигирма уч) квадрат метрдан кам бўлмаган умумий майдон ҳажмида белгиланади
- ◆ Фуқароларнинг муайян тоифалари қўшимча уй-жой майдони олиш ҳуқуқига эга. Бундай фуқаролар тоифаларининг рўйхати, уларга қўшимча уй-жой майдонини бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади
- ◆ Фуқаронинг эгаллаб турган жойидан кўчирилишига фақат Уй-жой кодексига белгиланган асосларда йўл қўйилади
- ◆ Домий яшаётган фуқаро ўзининг турар жойида вақтинча яшамаганида ёки бўлмаганида бу жой олти ой муддат мобайнида унинг ҳисобида сақланиб туради

Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки:

- Уй (квартира) эгасининг розилиги билан кўчириб киритилган оиланинг бошқа аъзолари, масалан, келинларнинг уй (квартира) эгаси билан оилалы муносабатлари тугаган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади
- Фуқаро турар жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган бўлса, авария ҳолатида деб топилган ёки авария ҳолатида бўлган уйда яшаётган бўлса, бу турар жой ёки уйдан у прокурор санкцияси асосида маъмурий тартибда кўчирилади
- Турар жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса, бундай турар жойдан кўчирилаётган фуқароларни маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа обод турар жой билан таъминлади
- Уйнинг (квартиранинг) мулкдори уйи (квартираси) сақланишини таъминлаши, уни жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўз ҳисобидан амалга ошириши, уй ён атрофини тегишли ҳолатда сақлаши шарт
- Кўп квартиралли уйлардаги турар жойларни саноат эҳтиёжлари учун ишлатиш тақиқланади
- Кўп квартиралли уйдаги квартира мулкдори яшаш хонаси ёки ёрдамчи хонани тегишли рухсатнома олмай туриб ўзбошимчилик билан қайта қурган ёки ўзгартирган бўлса, бу хонани ўз ҳисобидан аввалги ҳолатига келтириши шарт
- Ўзбошимчилик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди
- Мулкида уйи (квартираси) бўлган фуқаро турар жойни ижара шартномаси асосида бошқа фуқароларга яшаш учун беришга, уйдан (квартирасидан) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақли
- Фуқарони квартирадаги (уйдаги) турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилш учун шу фуқаронинг мазкур турар жойда олти ойдан ортиқ муддат мобайнида узрли сабабларсиз бўлмаганлиги асос бўлади
- Вояга етмаган болаларни, шунингдек мазкур турар жой эгасидан бўлак фарзанди йўқ, меҳнатга лаёқатсиз ота-онани кўчириб киритишда уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига риоя этиш талаб қилинмайди

(Давоми бор)**• ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?**

Лизинг компаниялари самарали лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширган ҳолда, Ўзбекистон учун янги лизинг турларини жорий этиш орқали республика молия бозорига ўз ўрнини топмоқда. Бугунги кунда лизинг хизматлари бозорига 7та компания фаолият юрляпти. Рақобатчилик шароитида компаниялар фаолиятининг самарадорлиги чуқур маркетинг тадқиқотлари ўтказишни талаб қилади. Бу лизинг компаниялари фаолиятдаги таваккалчиликни камайитириш имконини беради. Шу билан бирга лизинг тараққиётида унинг самарадорлигига ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган шарт-шароитлар мавжудлигини инобатга олиш лозим. Улардан асосийлари куйидагилар:

**ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ
ХИЗМАТ**

— валюта айирбошлаш чекланганлиги сабабли ўзаро ҳисоб-китобларда муаммолар юзага келмоқда;

— инфляция натижасида юқори фоиз ставкалари ва қисқа кредитлаш муддатлари белгиланмоқда. Банк амалиётида қисқа муддатли кредитлар ўрта ва узоқ муддатли кредитларга нисбатан фойдалироқ ҳисобланган шароитда уч йилга (техника сотиб олишга кредит олишнинг энг мақбул муддати) қарш олиш жуда қийин;

— лизинг компанияларига дастлабки сармоя етишмаслиги, лизинг бозори инфратузилмаси етарлича ривожланмагани, импорт шартномаларини рўйхатга олиш мураккаблиги лизингнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

— мавжуд солиққа тотиш тизими ҳам лизинг ривожланишини рағбатлантормайди. Лизинг берувчилар лизинг хизматлари кўрсатишда мулк солиғи, қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод этилмаган.

Ушбу тўсиқларнинг бартараф этилиши лизингнинг мамлакатимизда кенг жорий қилинишига имкон яратади. Шу тариқа лизинг хизматлари бозорини янада ривожлантириш маркетинг тадқиқотлари ўтказишни талаб қилади. Бунинг самараси ўлароқ, куйидагилар юзага келади:

— лизинг компаниялари асосланган қарорлар қабул қилиши учун зарур ахборот базаси яратилади;

— лизинг компаниялари фаолиятда таваккалчилик камайдя;

— истеъмолчи лизинг берувчилар ва техника ишлаб чиқарувчилар ўртасида оптимал ҳамкорлик таъминланади.

Фикримизча, илмий асосланган қарорлар қабул қилиш ва лизинг компанияси фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш учун замонавий бошқарув усулларини ўз ичига олувчи адекват бошқарув тизими зарур. Замонавий бошқарув усулларидан энг муҳими маркетинг ҳисобланади. Хорижий ва маҳаллий тажрибага таянган ҳолда айтиш мумкинки, куйидагилар лизинг компаниялари фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- лизинг компанияларида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш ва маркетинг воситаларини жорий этиш;
- лизинг компанияларининг рақобатга бардошлилик даражасини аниқлашнинг яхлит тизимини яратиш;
- коммуникацион сиёсатини амалга ошириш;
- лизинг хизматларини диверсификациялаш;
- маркетинг ахборот тизимини яратиш;
- ҳудудий лизинг марказларини ташкил қилиш.

Лизинг компанияларининг маркетинг хизматлари томонидан маркетинг тадқиқотлари ўтказиши ва маркетинг воситалари жорий этилиши ушбу компаниялар учун куйидаги имкониятларни юзага келтиради:

- бозорлар ва лизинг компанияларининг бозор имкониятларини ўрганиш;
- маркетинг режаларини ишлаб чиқариш;
- лизинг компанияларида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш.

Лизинг компаниясида маркетинг фаолиятини ташкил қилиш бозорда пайдо бўлаётган имкониятларни лизинг компаниясининг ресурслари билан мувозанатлаштириш ҳамда рақобатчилик шароитида лизинг компанияси стратегиясини амалга ошириш имконини беради. Маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун ахборот тизимига таянувчи ўз тузилмасига эга бўлган муайян хизматни ташкил қилиш зарур. Мазкур хизмат лизинг компаниясининг асосий бўлинмаларидан бири ҳисобланиб, куйидаги страте-

гик режаларни амалга ошириш имконини беради:

- ўзига хос ва фойда келтирувчи соҳада устувор йўналишларни аниқлаш ва унга эришишдан иборат бўлган ихтисослашув;
- дифференциялаш, яъни лизинг компаниясини унинг рақобатчиларидан ажратиш имконини берадиган сезиларли ва кўринмас усуллар воситасида ўзига мос соҳани топиш;
- сегментация, яъни ихтисослашув ва дифференциялаш жараёнида қабул қилинган қарорларга энг кўп мос келадиган истеъмолчилар ва бозорлар гуруҳларини аниқлаш;
- лизинг компаниясининг рақобатчилиги бозорда танланган фаолият йўналишида усвор мавқега эришиш учун барча имкониятлар бўйича рақобатлашиш.

Лизинг компанияларида маркетинг тадқиқотлари олиб бориш лизинг компаниясининг узоқ муддатли стратегик дастури, шунингдек, маркетинг тадбирларини мослашувчан ва тезкор бошқариш ҳамда лизинг битимлари бўйича қабул қилинган қарорларни тузатиш тизимининг истиқболли белгилаш-ахборот асосини яратиш имконини беради. Маркетинг ахбороти тизими — кишилар ҳамкорлиги, долзарб, тезкор ва аниқ маълумотларни йиғиш, таснифлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарғатишга мўлжалланган усуллар ва усулларга асосланган доимий фаолият юритувчи тизимдир. Бу маълумотлардан маркетинг соҳаси мутахассислари режалаштиришни такомиллаштириш, маркетинг тадбирларини ҳаётга татбиқ этиш ва назорат қилишда фойдаланади. Маркетинг ахбороти тизими куйидагиларни ўз ичига олади:

- ташқи ахборотни йиғиш тизими;
- маркетинг тадқиқотлари тизими;
- маркетинг ахборотларини таҳлил қилиш тизими.

Ташқи ахборотни йиғиш тизими раҳбарларга тижорат соҳасида содир бўлаётган воқеалар тўғрисидаги кундалик маълумотларни олиш имконини берадиган манбалар ва усуллар тўпламидан иборат.

Маркетинг тадқиқотлари тизими — мақбул қарорлар қабул қилиш мақсадида лизинг компаниясини бошқариш учун зарур кўрсаткичларини мунтазам аниқлаб боришни ифодалайди. Уларга куйидагилар кирлади: корхона фаолият юрляётган бозор сегментининг аҳоли ва истиқболларини таҳлил қилиш; маркетинг тадбирлари бажарилишини мониторинг қилиш, уларнинг самарадорлигини тавсифлаш ва бошқалар. Пировард натижада маркетинг тадқиқоти маҳсулот ишлаб чиқариш номенклатураси ва ҳажми, ишлаб чиқариш ва савдон модернизация қилиш дастурлари, товарлар ҳаракатини мақбуллаштириш, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш шаклларины такомиллаштиришни ахборот-таҳлилий асослашга қаратилган. Ҳар қандай маркетинг ахборотини таҳлил қилиш тизими асосини куйидагилар ташкил қилади:

- статистик банк;
- моделлар банки.
- Статистик банк — маълумотлар тўплаш ва уларнинг статистик аҳамиятини аниқлашдаги ўзаро боғлиқлигини тўлиқ очиб бериш имконини берувчи ахборотга статистик ишлов бериш усуллари тўпламидир.

Шу тариқа, лизинг хизматларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири лизинг компанияларида стратегик маркетинг жорий қилиш, жумладан маркетинг ахборот тизимини ташкил қилишдан иборат.

Маъмур КОМИЛЖОНОВ,
Тошкент Давлат иқтисодий
университети магистранти.

Тошкент шаҳар ҳоқимияти, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси

савдо ташкилотчиси «POYТАХТ АUKSION» давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг июль ва август ойларида кимошди савдоларини ўтказди

Кимошди савдоларида

«Паркент бозори» ҳамда «Авиасозлар бозори» очик турдаги акциядорлик жамиятлари ҳудудида жойлашган қуйидаги турғун савдо объектларини куриш ҳуқуқи сотилмоқда:

I. «Паркент бозори» ОАЖ

Кимошди савдолари 2003 йилнинг 15, 22, 19 июль ва 5, 12, 19, 26 август кунлари соат 11-00 да ўтказилади

Умумий савдога чиқарилаётган объектлар сони	Курилишга мўлжалланган мажмуа тури	Ҳар бир объектнинг сатҳи (кв.м)	Ҳар бир объектнинг бошланғич нархи (сўм)
256 та	бўям бозори	3x3 (9 кв.м)	2 000 000
144 та	қурилиш моллари	3x3 (9 кв.м)	2 000 000
72 та	қурилиш моллари	3x4 (12 кв.м)	3 000 000
71 та	қурилиш моллари	6x6 (36 кв.м)	3 500 000
16 та	гўшт дўкон	3x3 (9 кв.м)	1 000 000
14 та	умумий овқатланиш	6x8 (48 кв.м)	5 000 000
90 та	лок бўёқ расталари	1x1,5(1,5 кв.м)	2 000 000

ЖАМИ: 663 та

II. «Авиасозлар бозори» ОАЖ

Кимошди савдолари 2003 йилнинг 17, 24, 31 июль ва 7, 14, 21, 28 август кунлари соат 11-00 да ўтказилади

Умумий савдога чиқарилаётган объектлар сони	Курилишга мўлжалланган мажмуа тури	Ҳар бир объектнинг сатҳи (кв.м)	Ҳар бир объектнинг бошланғич нархи (сўм)
216 та	бўям бозори	3x3 (9 кв.м)	2 000 000

ЖАМИ: 216 та

Савдоларда юридик ва жисмоний шахслар қатнашишлари мумкин.

Аризалар қабул қилиш кимошди савдоси бошланишига бир кун қолганда соат 18-00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 5 фоизи миқдориди гаров пули тўлашлари шарт.

Савдо дўконлари куриш ҳуқуқини қўлга киритган савдо голиблари-га қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

- Савдо объекти куриш ҳуқуқи учун тўловларни шартнома асосида 10 кун муддат ичида амалга ошириш;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга сарфланган харажатларни 15 кун муддат ичида қоплаш;
- савдо объекти куришни ўз ҳисобидан ягона буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга ошириш;
- савдо объекти куриб битказилгандан сўнг, уни ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;
- бозор маъмурияти билан тузиладиган шартнома асосида коммунал хизматлар ва ер участкаси ижараси учун ҳақ тўлаш;

Аризалар Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносиди қабул қилинади.

Кимошди савдолари бозор маъмурияти биносиди ўтказилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шартлари билан танишиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 204-хона.

Телефон: 133-23-40

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадида ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган автомобилотранспорт воситаларининг

Кимошди савдосини ўтказди

- «Фольксваген» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 08-45, бошланғич нархи 1 800 000 сўм, техник носоз
- «Луаз-969М» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АВ 655, бошланғич нархи 50 000 сўм, техник носоз;
- «Тико» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АС 244, бошланғич нархи 1 775 586 сўм, техник носоз;
- «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
- «Ваз-2107» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 1 500 000 сўм, техник носоз;
- «Москвич-2141» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S23-76, бошланғич нархи 633 480 сўм, техник носоз;
- «Форд скорпио» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 2 983 207 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-31029» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АД 900, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;
- «Ссанг-Енг-Корандо» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-3307» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 В 67-10, бошланғич нархи 600 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 985, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-664» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз.
- «ГКБ-8527» прицепаи, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-11 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
- «Икарис» автобуси, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 К 23-72, бошланғич нархи 2 300 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
- «ГАЗ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
- «ГАЗ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
- «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 19 июнь ва 25 июнь кунлари соат 14.00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносиди ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги Тошкент Давлат мусиқа коллежи 2003-2004 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича кундузги бўлимга ўқувчилар

КАБУЛ ҚИЛАДИ

- Ўзбек халқ чолғулари ва баян**
— ўқитувчи, оркестр артисти, ҳаваскорлик жамоа раҳбари; най, қўшнаи, чанг, қонун, рубоб-прима, қашқар-рубоб, афгон-рубоб, уд, дутор, танбур, дутор-бас, доира, гижжак, гижжак-альт, гижжак-бас, гижжак-контрабас, баян, аккордион, классик гитара.
- Аънавий чолғу ижрочилиги**
— ўқитувчи, созанда-мақомчи ҳаваскорлик жамоа раҳбари; най, қўшнаи, чанг, қонун, қашқар-рубоб, афгон-рубоб, дутор, танбур, доира, гижжак, уд.
- Аънавий хонандлик**
— хонанда мақомчи, ҳаваскорлик жамоаси раҳбари.
- Фортепиано**
— ўқитувчи, жўрнавоз, ансамбль артисти.
- Торли чолғулар**
— ўқитувчи, оркестр ва ансамбль артисти: скрипка, альт, виолончель, контрабас.
- Пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар**
— ўқитувчи, оркестр артисти, ҳаваскорлик жамоа раҳбари: флейта, гобой, кларнет, саксофон, фагот, валторна, труба, тромбон, туба ва зарбли чолғулар.
- Академик хонанда**
— хор ва ансамбль артисти.
- Хор дирижёрлиги**
— ҳаваскорлик хор раҳбари, ўқитувчи.
- Мусикашунослик ва композиция**
— ўқитувчи, композитор, мусикашунос.
- Эстрада чолғулари ва хонандлиги**
— ўқитувчи, оркестр ва ансамбль артисти, жўрнавоз, ҳаваскорлик жамоа раҳбари: (пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар, торли чолғулар, электрогитара; соло, бас, клавишли чолғулар), эстрада хонандаси.
- Мусиқа коллежига 9-синф ва 5-7 йиллик мусиқа мактаби маълумотига эга бўлган фуқаролар қабул қилинади.
- Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31, (консерваториянинг эски биноси).
Тел. 133-58-57, 133-24-59. 17, 18, 9, 4-троллейбусларнинг «Балалар дунёси» бекати.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Зангиота тиббиёт коллежи 2003-2004 ўқув йили учун 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Ўқишга таклиф этади

- Ҳамширалик иши — тиббиёт ҳамшираси мутахассислиги.
 - Ортопедик стоматология — тиш техниги мутахассислиги.
- Ўқишга кириш учун қуйидаги тартибда кириш синов имтиҳонлари топширилади:
Она тили ва адабиёти.
Биология (ботаника, зоология, одам анатомияси).
Ўқишга кирувчи абитуриентлар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:
— белгиланган шаклдаги таълим муассасаси раҳбари номига ёзилган ариза;
— рейтинг бали кўрсатилган маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
— худудий касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тавсияномаси;
— доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
— 086 - V шаклдаги тиббиёт маълумотномаси;
— 3x4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
— туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси.
- Коллежда ўқиш муддати 2 йил 10 ой.

**Манзилимиз: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Иттифок» К.Ф.Й. Шифокорлар кўчаси.
Мўлжал ДАТК «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг санаторий-профилакторийси ёнида.
Автобуслар: 182, 190, 238, 452, 461;
480-маршрут таксилари йўналишлари.**

Спорт

КИЧКИНТОЙЛАР
БЕЛЛАШДИ

Мамлакатимизда келажигимиз ворислари — болажонларнинг маънан етуқ, жисмонан соғлом бўлиб воёга етишларини таъминлаш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт ривожига катта аҳамият қаратаилаётгани, ўтган йили Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинганлиги қувонарли ҳол. Шуниси эътиборлики, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан жисмоний тарбия ва спортни болалар ўртасида омалаштириш борасидаги сай-ҳаракатлар жамоатчилики бекфарқ қолдирмапти.

Кунни кеча Тошкент шаҳридаги Мирзо Улугбек маданият ва истироҳат боғи ўзига хос байрам тусини олди. Чунки бу ерда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан жажжи кичкин-тойлар иштирокида спорт мусобақалари уюштирилди. Унда пойтахтнинг 72 та боғчаларидан ташкил бўлган болажонлар голиблик учун кизгин кураш олиб боришди. Дарвоқе, ушбу мусобақаларни боғчалар тарбиячилари ҳамда тарбияланувчиларининг ота-оналари ҳам бевосита кузатиш имконига эга бўлишди. Тадбир якунида эса кичкин-тойларга эсдалик совғалари тўхфа этилди.

ҚОСИМЖОНОВ —
ИККИНЧИ ЎРИНДА

Истиқлол шарофати туғайли мамлакатимизда спортнинг бошқа турлари қатори шахмат ривожига катта аҳамият қаратилаётганини шахматчиларимизнинг халқор турнирларда эришаётган галабалари яққол исботлаб турибди.

Кунни кеча Босния давлатининг Сараево шаҳридан хушxabар олинди. Жаҳоннинг кучли 10 нафар халқор гроссмейстерлари ўртасида ташкиллаштирилган турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Рустам Қосимжоновга омад кулиб бокди. Ўзининг комбинацион ва чиройли ўйинлари билан рақиблиридан устун келган жамоатимизга турнирнинг қулуш медаллари насиб этди. Турнир голиблигини эса голландиялик Соколов қўлга киритди.

АВТОПОЙГА СТАРТ ОЛДИ

Автомобиль пойгасини ўтказиш яхши анъанага айлиб қолди. «Тошшаҳарйўловчигитранс» Давлат уюшмаси ҳамда «Раллиспорт» ҳиссасдорлик жамаиати томонидан уюштирилаётган навбатдаги пойга кунни кеча старт олди.

Учинчи класс энгил автомашиналари чапдастик ва ўта маҳорат билан бошқариш мусобақаси пойтахтимизнинг Амир Темур хиббонидан бошланиб, Чимён-Ахбор — Чимён-2 йўналишларида давом этди.

Транспорт воситалари йўлга чиқиши олдиндан тўппончада нишонга олиш, сувда сузиш машқлари бўлиб ўтди. Бунинг учун «Динамо» стадиони ҳамда Миллий банк стадионидидаги сув хавзаси пойга қатнашчилари ихтиёрига бериб қўйилди.

Ҳолиблар танловининг икки босқичи натижалари бўйича шу йилнинг октябрь ойида аниқланади. Ана шу автоспорт тадбирини яхши ёритган журналистлар ҳам муносиб тақдирланадилар.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

• СОЛИҚ

Давлат бюджети манбаи

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мукамал солиқ тизимига эга бўлиш ва давлатнинг солиқ сиебати орқали иқтисодий ривожланишни тартибга солиб туриш, шунингдек, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқлар ролининг ошиб бориши табиий ҳолдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида молия ва солиқ муносабатларини такомиллаштириш ўта муҳим ва мураккаб масалалардан бирига айлиб бормоқда. Шунинг учун Президентимиз «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида таъкидлаганидек — «Солиқлар тизимини такомиллаштириш, бюджет даромадлари барқарор сурьатда тўлдириб турилишини таъминлайдиган, кичик ва хусусий корхоналарнинг, чет эл капитали иштирокидаги, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлайдиган ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган ҳамда хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантирадиган пишқ-пухта солиқ сиебасини олиб бориш керак».

Ҳозирги вақтда юридик шахслар тўлайдиган солиқлар бюджет даромадларининг учдан икки қисмидан ортинини ташкил этмоқда. Бу солиқлар давлат бюджетте харажатларини молиялаштиришда мустаҳкамликни; узвийликни таъминлайди. Улар асосан бюджетга узлуқсиз тушиб турганилиги сабабли бюджет харажатларини ҳам молиялаштиришнинг узлуқсиз, хал қилувчи манбаига айлангандир.

Юридик шахслардан олиннадиган солиқлар пул муомаласини мустаҳкамлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Солиқлар юридик шахсларнинг харажатларга йўналтирадиган маблағларини қис-

қартириб (масалан, инвестицияларда) муомалага чиқиши пул-зим бўлган пуллари камайтиради.

Солиқлар воситасида корхоналар тараққиётига таъсир этишда юридик шахслардан олиннадиган даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзлар тизимидан фойдаланиш корхоналар иқтисодий фаолиятининг умумий даражасини ошириш ва ишлаб чиқаришнинг айрим соҳаларини рағбатлантириш учун муҳим қурол бўлиб хизмат қилади. Мазкур масала, айниқса, хорижий инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналар тараққиётининг бошланғич босқичида янада қулироқ аҳамият касб этади.

Корхоналар фаолиятини бошқаришда солиқларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Юридик шахсларни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш эса иқтисодий ислохотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида мамлакатимизнинг келгусидаги ривож, истикболи ва тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида билвосита солиққа тортишдан фойдаланиш кераклиги ҳисобга олинган ҳолда, аста-секин бевосита солиққа тортишнинг ишлаб чиқарувчиларга рағбатлантирувчи таъсири кучайтириб бориш лозимдир.

Собир ИСЛОМОВ,
Тошкент молия институти
II босқич магистранти.

• ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

Дастурхон тўкинчилиги йўлида

Шаҳримизда бозорлар кўп, лекин улар кўриниши, ҳажми, озодалиги, маҳсулотлар нарх-навоси, қай даражада гавжумлиги билан фарқланади. Харидорни эса кўпроқ нарх-наво қизиқтиради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қаерда нисбатан арзончилик бўлса, ўша жойда харидор кўпроқ бўлади. «Юнусобод» бозорининг ҳамиша мижозлар билан гавжум бўлишининг сабаби ҳам ана шунда. Айниқса, олдинги тор, кичик, ҳаммаси бўлиб 120 ўринга эга бўлган бу савдо корхонаси 4,2 гектар ер майдонни эгаллаган 2673 ўринли янги бозорга кўчиб ўтгандан кейин янада гавжумлашиб кетди. Бу ҳақда «Юнусобод» бозор хиссасдорлик жамаиати бошқарувининг раиси Раҳимжон ПЎЛАТОВдан сўраганимизда у шундай жавоб берди:

— Сўнгги йилларда бозор шароитида савдонинг тартибга солиш, бозор фаолиятини такомиллаштириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Агар билсангиз, бу ҳужжатлар йўналишимизнинг бош мезонини ташкил этади. Улар асосида турли-туман режалар белгиланган. Тадбирларимиз кенг қамровли, албатта. Бунга нарх-наводаги арзончиликдан тортиб, савдо маданияти, озодагарчилик, хизмат турларини кўпайтириш, ҳатто ишчи-хизматчиларни махсус кийим-кечаклар билан таъминлашга бўлган ва-зифалар кирради. Уларнинг ижроси қай даражада бажарилиши доимий назорат остига олинган.

Бозорнинг гавжум бўлишида нарх-наводаги мўътадилликдан ташқари сотувчи ва харидорларга яратилган қулай шароитлар ҳам муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда жамаиат таркибига кирувчи 94 савдо жойи ижарага берилган. Савдо харид корхонаси қошида учта дўкон ишлаб турибди. Бир неча умумий оқватланши шох-бозорлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Сартарошхона, уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш, харидорларга қулайлик бўлсин учун автоуловлар хизмати йўлга қўйилган. Харид қилинган маҳсулотларни текшириш учун бозорнинг ҳар бир бўлимида махсус назорат тарозилари ишлаб турибди.

Албатта, шундай катта бозорни озода ва тартибли сақлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун катта куч керак. Буни яхши тушунган маъмурият бу йўлда ҳам керакли тартиб-қоидаларни жорий этган. Бозорда 130 та ишчи-хизматчи хизмат қилади. Улардан 77таси назоратчи ва фаррошлардир. Фақат фаррошларнинг кучи билан катта майдон ва гавжум жойини тартибга солиш қийин. Шунинг назарда тутиб бу ишга назоратчилар ҳам жалб этилган. Уларнинг ҳар бири ўз жойи ва ажратилган ҳудудининг озода бўлиши учун масъулдир.

Айниқса, шу кунларда бозор пештах-



талари ранг-баранг маҳсулотлар билан тўлиб-тошган. Пештахталарга чиройли қилиб териб қўйилган дала наъматлари кўзини қамаштиради. Хоҳлаган маҳсулотининг харид қилишингиз мумкин. Уларнинг нархи ҳам бошқа бозорларга нисбатан арзон. Хушмуомала ва чаққон сотувчилар сизни ортиқча уринтирмайди. Нимаики харид қилган бўлсангиз, уни бир зумда чиройли халтачаларга жойлаб, қўлингизга тутқизишад.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кун талабига жавоб бера оладиган «Юнусобод» бозорида жорий этилган тартиб-интизом аниқ мақсадларга йўналтирилган.

СУРАТЛАРДА: «Юнусобод» дехқон бозори ҳаётдан лавҳалар.
Ҳакимжон Солиқов олган суратлар.



• АЖОЙИБОТЛАР

Кўзойнақлар
ишқибози

Люксембурглик фуқаро Петер Пауль Плюкфельдернинг коллежисини барчанинг эътибобини ўзига тортади. Чунки у у ва яқини кўрсата олувчи 500 га яқин кўзойнақларни тўплаган. Унинг кўзойнақлари ичида турли асрларга мансублари ҳам бор. Петер айниқса XVI асрда ишланган, қалпоққа ўрнатилган кўзойнагини кўз-кўз қилишни хуш кўради. Бир нарса ўқимоқчи бўлсангиз, қалпоқни қияси-зу ишингизни бажаришга киришасиз. Бу кўзойнақ ўз асрида одамларга жуда қулай бўлганлиги аниқ. Чунки ўша даврларда кутубхоналар деярли иситилмас эди. Шу сабабли ҳам Петернинг энг фахрланадиган бу кўзойнаги ихтиро қилинган бўлса ажаб эмас.

Уйнинг тўрида
сақланади

Буюк британиялик Майкл Бертсон нондан суҳари таълайдиган электр асбобларини йиғди, ҳозирча унинг бу экспонатларининг сонини 100 га яқинлашиб қолди. У ўз асбобларини жуда асраб-авайлайди. Айниқса электр асбоблари орасида Майкл учун энг эъзозлиси 1935 йилда ишланган электр қириқилган ҳисобланади. Чунки уни бир вақтлар отасига совға қилишган. Бу асбоб отасини эслаб тургани учундир. Майкл уни меҳмонхонада, уйнинг тўрида сақлайди.

Музей очил
ниятида

Венгриялик Шендор Фольдининг келажақдаги ораулари юксак. У мамлакатда ягона бўлган авиация музейини очил ниютида тер тўқмоқда. Қандай қилиб дейсизми? Шендорнинг ўзи собиқ ҳарбий учувчи бўлиб, ҳозирда темир-тераскар билан савдо-сотик қилади. Бундан ташқари у ўзини қизиқтирган машғулот — ҳисобдан чиқарилган яроқсиз самолётларни йиғиш билан шуғулланади. Ҳозиргача унинг коллекциясида турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган 7 та самолёт мавжуд.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-36.

Хажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5952 нускада босилади. Қозғ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10 ғизамдан биран рўхташ олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбоа асардорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.